

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Давронов Сардор Отабек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби тингловчиси

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий судларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори низоларни ҳал этишнинг муқобил усули сифатидаги аҳамияти, унинг тарафлар ихтиёрийлиги асосида қабул қилиниши ва қонуний кучга киргандан сўнг тарафлар учун мажбурий тус олиши ёритиб берилган.

Шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси иштирокчисининг мазкур қарорларга нисбатан норозилик билдириши ҳуқуқини амалга оширишнинг процессуал тартиблари ва муддатлари батафсил ўрганилган. Мақола ҳакамлик муҳокамасининг мустақиллигини таъминлаш ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги устидан назоратини амалга ошириши ўртасидаги мувозанатни илмий-амалий жиҳатдан асослайди.

Калит сўзлар: ҳакамлик суди, ҳакамлик қарори, низолашиш, иқтисодий суд, процессуал тартиб, низоларни ҳал этиш, бекор қилиш асослари, ҳуқуқий назорат.

ОСОБЕННОСТИ ОСПАРИВАНИЯ РЕШЕНИЙ ТРЕТЕЙСКОГО СУДА В ХОЗЯЙСТВЕННЫХ СУДАХ

Давронов Сардор Отабек угли

Слушатель Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики
Узбекистан

Аннотация: в статье анализируются особенности рассмотрения споров по решениям третейских судов в хозяйственных судах Республики

Узбекистан. В статье подчеркивается значение решения третейского суда как альтернативного способа разрешения споров, его принятие на основе усмотрения сторон и его обязательность для сторон после вступления в законную силу.

Также подробно изучены процессуальные процедуры и сроки реализации права участника арбитража на обжалование указанных решений. В статье научно и практически обоснован баланс между обеспечением независимости арбитражного разбирательства и осуществлением контроля за законностью принимаемых решений.

Ключевые слова: третейский суд, третейский решение, спор, хозяйственный суд, процессуальный порядок, разрешение спора, основания отмены, правовой контроль.

SPECIFIC ASPECTS OF DISPUTES OVER REFEREE'S COURT AWARDS IN ECONOMIC COURTS

Davronov Sardor Otabek ugli

Student of the Higher School of Judges under the Supreme Judicial Council of the
Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article analyzes the specific aspects of disputes over referee's court awards in economic courts in the Republic of Uzbekistan. The article highlights the importance of the referee's court award as an alternative method of resolving disputes, its adoption on the basis of the parties' voluntariness and its binding nature for the parties after it enters into legal force.*

Also, the procedural procedures and terms for exercising the right of a participant in the arbitration proceedings to object to these awards are studied in detail. The article scientifically and practically substantiates the balance between

ensuring the independence of the arbitration proceedings and exercising control over the legality of the decisions made.

Key words: *referee's court, arbitration decision, dispute, economic court, procedural order, dispute resolution, grounds for annulment, legal control.*

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори моҳиятан низони ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида қабул қилинадиган якуний ҳужжат ҳисобланади. Қонуний кучга кирган бундай қарор тарафлар учун мажбурий бўлиб, улар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилиши лозим.

Аммо, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига нисбатан норозилик билдирган тараф, қонунда белгиланган асосларга кўра, уни бекор қилиш тўғрисида иқтисодий судга ариза бериши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш - бу ҳакамлик муҳокамаси иштирокчисининг ҳакамлик ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигига нисбатан эътирозларини билдириш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича процессуал ҳаракатларидир. Бу жараён, бир томондан, ҳакамлик муҳокамасининг мустақиллигини таъминласа, иккинчи томондан ҳакамлик қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш механизмини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 28-моддасида ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига кирадиган ишлар санаб ўтилган бўлиб, унга кўра:

1) даъвони таъминлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар;

3) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига киради.

Иқтисодий судда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш - бу ҳакамлик муҳокамаси иштирокчисининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулидир. Низолашиш тартиби ва муддатлари қонун билан қатъий белгиланган бўлиб, уларга риоя қилиш тарафлар учун мажбурийдир. Суд аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради, бу ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки уни ўз кучида қолдириш суднинг ваколатига киради ва бу ажрим тарафлар учун муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Агар иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилса, бу қарор қонуний кучини йўқотади. Бундай ҳолда, тарафлар низони қайта кўриб чиқиш учун ҳакамлик судига ёки судга мурожаат қилишлари мумкин. Қайта кўриб чиқиш тартиби тарафларнинг келишувига ёки қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Агар суд аризани рад қилса ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирса, бу қарор қонуний кучини сақлаб қолади ва тарафлар учун мажбурий бўлади. Бундай қарор ваколатли суднинг ижро варақаси асосида мажбурий тартибда ижро этилиши мумкин.

ИПКнинг 28-бобида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг иқтисодий судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида иқтисодий судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг иқтисодий судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини қабул қилган, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар ҳам низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш иқтисодий суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

нинг 223-моддадаси келтириб ўтилган бўлиб, унда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилиши, ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши қайд этилган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди жойлашган ердаги иқтисодий судга берилади.

Шунингдек, Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар, кўчмас мулк ҳақидаги низолар, шу жумладан кўчмас мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ёхуд мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг

хуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш ҳақидаги ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги бошқа даъволар кўчмас мулк жойлашган ердаги судга тақдим этилади.

Ташувчига нисбатан йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар, шу жумладан, агар жавобгарлардан бири ташувчи бўлса, транспорт ташкилотининг органи жойлашган ердаги судга тақдим этилади.

Ҳакамлик судида кўрилаётган иш бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёки қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ёхуд агар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади.

Юқорида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза даъво аризасини қайтариш учун назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ИПКда назарда тутилган қоидаларга биноан тегишли Иқтисодий суд судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судлари қарорларини бекор қилиш асослари

Замонавий иқтисодий муносабатларнинг динамик ривожланиши низоларни ҳал қилишнинг самарали ва тезкор механизмларига бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Ҳакамлик судлари ана шундай талабларга жавоб

бера оладиган муқобил низоларни ҳал қилиш усули сифатида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўзининг ихтиёрийлик, махфийлик, муҳокама жараёнини тарафларнинг ўзлари томонидан белгилаш имконияти каби афзалликлари туфайли ҳакамлик, айниқса, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этишда кенг қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мутлақ ҳуқуқий кучга эга эмас. Қонунда белгиланган аниқ ва чекланган асослар мавжуд бўлганда, иқтисодий судлар ҳакамлик судининг қарорини бекор қилиш ваколатига эгадир. Ушбу институтнинг мавжудлиги ҳакамлик муҳокамаси жараёнида қонунийлик, адолат ва процессуал нормаларга риоя этилишини кафолатлашнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Ҳакамлик суди қарорини бекор қилиш институтининг аҳамияти икки томонламадир.

Бир томондан, у ҳакамлик муҳокамасининг холислиги ва адолатлилигини таъминлаш орқали ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлайди. Агар ҳакамлик жараёнида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилган бўлса ёки қарор жамоат тартибига зид бўлса, суднинг аралашуви зарур бўлади.

Иккинчи томондан, ҳакамликнинг ўзига хос хусусиятларини, хусусан, тарафларнинг низони суддан ташқари ҳал қилиш истагини ҳурмат қилиш лозим. Шу сабабли, судларнинг ҳакамлик суди қарорларига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, ҳакамликнинг мустақиллигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ИПКнинг 226-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддасида белгиланган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини (14-модда. Ҳакамлик судьясига қўйиладиган талаблар, 15-модда. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш, 16-модда. Ҳакамлик судьясини рад қилиш, 25-модда. Ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори Қонуннинг 10-моддаси биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини (биринчи қисм - ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида ҳал қилади, учунчи қисм - Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонунчилик ёки ҳакамлик битими

тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликнинг мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.);

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса ёки низо ҳакамлик суди томонидан Қонунининг 5-моддаси (5-модда. Ҳакамлик судларини ташкил этиш) талабларини бузган ҳолда кўриб чиқилган бўлса ёхуд ҳакамлик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши керак.

Ваколатли давлат суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган

ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ҳакамлик суди қарорларини низолашиш институти низоларни ҳал этиш тизимининг муҳим бўғини бўлиб, у ҳакамлик муҳокамасида қонунийлик ва адолатнинг таъминланишига хизмат қилади. Ушбу жараённинг янада самарали ва шаффоф бўлишини таъминлаш, мавжуд ҳуқуқий нормаларни амалиётда тўғри ва бир хилда қўллаш мазкур институтнинг иқтисодий муносабатлардаги ролини янада оширади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти учун қулай ҳуқуқий муҳитни яратиш ва низоларни тезкор ҳал этиш орқали мамлакатнинг умумий иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. См.: Ярков В.В. Арбитражный процесс: учебник для бакалавров. - 7-е изд., перераб. и доп. - Москва: Издательство "КноРус", 2017. - С. 456.
2. Закон Республики Узбекистан "Об исполнении судебных актов и актов иных органов" от 29.08.2001 г. N 258-I.
3. Ўзбекистон Республикаси. (2021). Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. Адолат.
4. Born, G. B. (2014). International Commercial Arbitration: Commentary and Materials (3rd ed.). Kluwer Law International.
5. Park, W. W. (2012). Arbitration of International Business Disputes. Oxford University Press.

6. “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда.